

“Дунё” ахборот агентлиги сайти, 2021 йил 21 март  
<https://dunyo.news/uz/news/uza-navruzda-imirlamagan-ut-ulан-utindir-temuriylar-va-boburiylar-davrida-am-keng-nishonlangan-bayramni-khallar-anday-kutib-oladi-6056f0633b582>

*Жон ва ақлни яратган зот номи билан бошлайман*

## ГҮЗАЛ, ҚАДИМИЙ ВА ХАЛҚАРО БАЙРАМ НАВРЎЗ ЯКДИЛЛИК ВА ДҮСТЛИК РАМЗИ СИФАТИДА

Наврўз баҳорнинг биринчи куни, ранг-баранг гуллар ҳаётининг бошланиши, табиатнинг уйғониш вақти, қушларнинг куйлаши ва вақтнинг алмашиши чоғи, худонинг яратгаларига донишмандларча нигоҳ билан қарап фурсати ҳамда халқнинг яқдиллиги ва дүстлиги рамзиdir.

Қадим замонлардан Шарқ мамлакатларидаги кўпчилик халқлар Наврўз ва баҳорнинг кириб келишини байрам қилишган. Умар Хаём Нишопурий ўзининг «Наврўзнома» асари бошланишида Наврўзнинг вужудга келиши ва нишонланиши тўғрисида шундай ёзган:

Наврўз йилнинг алмашиши билан боғлиқ тарзда вужудга келган бўлиб, ҳар уч юз олтмиш беш куну чорак суткадан кейин келадиган баҳор фаслининг биринчи кунидир. Қадим замонларда пошдоҳ Жамшид бу кунни англаб етганидан кейин уни Наврўз (Янги кун) деб номлади. Шундан сўнг подшоҳлар ва бошқа одамлар унга эргашиб, кейинги йил Наврўзигача ҳаётимиз шодлик ва вақтичоғлиқда ўтсин, деган ниятда бу кунни байрам қилишга тушишди.

*Бар чехрайи гул насими Наврўз хуши аст,  
Дар саҳни чаман рўйи дилафрўз хуши аст.*

*Мазмуни:* Гул юзига Наврўз шаббодаси ёқимли, чаман ичра эса кўнгилни ўртовчи ёрнинг юзи ёқимли.

Эронликлар Наврўзни табиатнинг уйғониши, боғу бўstonларнинг яшнаши ҳамда халқнинг қувончи ва умидининг бошланиш палласи деб билишади. Уларнинг эътиқодича, инсон Наврўзда табиатнинг яшнаши билан уйғун тарзда янги кийимлар кийиб, янгича руҳият ва нигоҳ билан янги ҳаётни бошлиши керак. Низомий Ганжавий «Ҳафт пайкар» асарида шундай деган:

*Жома нав кун, ки фасли Наврўз аст.*

*Мазмуни: Кўйлагингни янгилагин, чунки Наврўз кириб келди.*

Ўтмишда Наврўз билан боғлиқ бир қатор урф-одатлар ва анъаналар мавжуд бўлган. Улардан айримлари бугунгача сақланиб қолган бўлиб, бошқа баъзилари давр тўзонларида йўқ бўлиб кетган.

Наврўздан олдин «чаҳоршанбасурий» («чоршанба кунги байрам») деб аталадиган удум бор. Бунда одамлар Наврўздан олдин келадиган йилнинг сўнгти чоршанба куни оммавий томошалар ва ўйинлар ўтказиш орқали Наврўзга пешвоз чиқишиади.

Шунингдек, ўтиб кетаётган йилнинг сўнгги пайшанба куни яқинда вафот этган кишиларнинг қабрларини зиёрат қилиш ҳам анъана тусини олган.

Бундан ташқари, Наврўздан кейин нишонланадиган «сиздаҳ бэ дар» («ўн учинчи куни ташқарига чиқ») удуми ҳам мавжуд бўлиб, оилалар эронча янги йилнинг биринчи ойи бўлмиш фарвардин ойининг ўн учинчи куни (бу кун Наврўз байрами муносабати билан берилган ўн уч қунлик таътилнинг охирги кунидир) табиат бағрига чиқадилар-да, ўша кунни биргаликда вақтичоғлик ва ўйин-кулгу билан ўтказишиади. Кун охирида ёшлар ўз оила аъзолари билан биргаликда кўм-кўк ўт-ўланларни (соч каби) ўриб-турмаклаш асносида ўзларининг кўнгилга туккан орзуларини баён этадилар. Ўт-ўланларни ўриб-турмаклаш ҳаётни табиат билан боғлаш ҳамда кўм-кўк табиат каби яшнаган ҳолда қолиш рамзи ҳисобланади. Бу куни Эронда расман Табиат куни деб аталади.

Наврўз байрами уйни умумий тозалаш, қўкат ундириш, янги йил харидларини амалга ошириш, «ҳафт син» («етти син») дастурхони тузаш, айланиб томоша қилиш, дам олишга чиқиш, Наврўз тўғрисида шеърлар ўқиши, урушган ва аразлашган кишилар билан ярашиш, вақтичоғлик ва истироҳат каби гўзал ва ибратли удумларга эга.

Уйни умумий тозалаш Наврўз билан боғлиқ гўзал удумлардан бўлиб, бунда Наврўзга – янги йилнинг бошланишига бир неча кун қолганда оила аъзолари биргаликда умумий тозалашни амалга оширадилар. Бунда уйдаги барча буюмларни жойидан қўзғатиб, ювиб-артиб тозалайдилар ҳамда эскирган кийимлар ва буюмларни ташлаб юборадилар, хоналарни янгилаб, чиройлилаштирадилар. Оиланинг барча аъзолари учун янги кийимлар сотиб оладилар ва уларни Наврўз байрами куни киядилар.

Уйни умумий тозалаш удумидан кейин навбат кўкат ундиришга етади. Онахонлар Наврўзга бир ҳафта қолганда бир оз буғдой, ясмиқ ва мошни астасекин униб чиқиши учун чиройли идишларга қўядилар. Улар бунда Ҳофиз Шерозийнинг қуидаги шеърини ўқишиади:

*Rasid мужда, ки омад баҳор-у сабза дамид,*

## *Вазифа гар бирасад масрафаши гул аст-у набид.*

*Мазмуни:* Баҳор бошланиб, ўт-ўланлар униб чиқди, деган хушхабар келди. Ойлик келса у гул ва шароб сотиб олишга сарфланади.

Сумалак тайёрлаш ва анъанавий ширинликлар пишириш оила аъзолари биргалиқда Наврӯз байрамини ўтказиш ва «ҳафт син» дастурхони тузаш учун амалга оширадиган ўта гўзал расм-русумлардан бўлиб, бунда Саъдий Шерозийнинг қуидаги шеърларини ўқийдилар:

*Бар-омад боди субҳ-у бўйи Наврӯз,  
Ба коми дўстон-у баҳти пирӯз.  
Муборак бодат ин сол-у ҳама сол,  
Хумоюн бодат ин рӯз-у ҳама рӯз.*

*Мазмуни:* Дўустлар қўнгли ва иқболига мувофиқ тарзда тонг шаббодаси эсиб, Наврӯз хиди димоқларга урилди. Мана шу [кириб келган] янги йил ва бошқа барча йиллар сенга муборак бўлсин, мана шу [кириб келган] янги кун ва бошқа барча кунлар сенга қутлуғ бўлсин.

Наврӯзнинг энг гўзал удумларидан яна бири уйда «ҳафт син» дастурхони тузашдир. Айрим тадқиқотчиларнинг айтишларича, ўтмишда ердан униб чиқадиган қут-баракани улуғлаш мақсадида Нарўзнинг етти рамзидан иборат бир дастурхон тузаш урф бўлган.



«Ҳафт син» Наврӯз байрами куни тузаладиган дастурхон бўлиб, унга ерда унадиган ва «син» («с») ҳарфи билан бошланадиган қуидаги етти турли ризқ-рўз ва ноз-неъмат тортилади: *сабза* (буғдой, арпа ва ясмиқ қўкати), *себ* (олма), *саману* (сумалак), *сир* (саримсоқ), *санжид* (жийда), *сирка* ва *сумоқ* (тотим). Бунда:

кўкат – қайта туғилиш ва эндиғина дунёга келганлик рамзи,  
олма – гўзаллик ва соғлик рамзи,  
сумалак – фаровонлик ва қут-барака рамзи,  
саримсоқ – шифо ва даволаш рамзи,  
жийда – муҳаббат рамзи,  
сирка – сабр-бардош ва чидамлилик рамзи,  
тотим – қуёшнинг чиқиши рамзи ҳисобланади.

«Ҳафт син» дастурхонининг гирди-атрофига унга комиллик ва зийнат бағишлиш мақсадида бошқа нарсалар ҳам қўйилади. Улар жумласидан кўзгу, Қуръон китоби ёки бошқа, масалан Ҳофиз девони, Фирдавсий «Шоҳномаси» каби китоблар, шамдон (баъзи жойларда оиласидаги фарзандлар сонига тенг миқдорда шамдонлар), танга, бўялган тухум, гул, ширинликлар, қуруқ мевалар, қизил балиқ солинган сувли коса ёки графин кабиларни санаб ўтиш мумкин.



Наврӯз байрами ер қуррасининг қуёш атрофида бир марта айланиб чиқиши ҳодисаси билан боғлиқдир. Нарӯз кириб келиши билан барча одамлар олдинги йиллардан қўра яхшироқ ва рангбарангроқ бир йилни бошлишга тайёрланадилар. Янги йилнинг кириб келиши чоғида худога дуолар ва илтижолар қилиб, яхши бир йилни ато этишини сўрашади. Одамлар янги йил кириб клаётган лаҳзаларда ўқийдиган дуо қуйидагича:

**Ё муқаллиб ал-қулуб ва-л-абсор, ё мудаббир ал-лайли ва-н-наҳор, ё мұхаввил ал-ҳавли ва-л-аҳвол! Ҳаввил ҳолано ило аҳсан ил-ҳол.**

*Мазмуни:* Эй юраклар ва қўзларни ҳаракатга келтирувчи, эй тун ва кунни бошқарувчи, эй ҳол ва ҳолатни айлантирувчи! Бизнинг ҳолимизни яхши бир ҳолга айлантиргин.

*Дийда ва дил ҳар ду дар фармони Дўст,  
Гардиши рўз-у шаб аз тадбири ўст.  
Эй, ки дигаргун куний аҳволи мо,  
Холи мо онгуна гардон, ки накўст.*

*Мазмуни:* Кўз ва юракнинг ҳар иккаласи ҳаракати Дўстнинг ихтиёридадир, кун ва туннинг айланиши ҳам унинг бошқарувидандир. Эй, бизнинг ҳолатларимизни ўзгартирувчи зот, бизнинг ҳолимизни яхши бир ҳолга айлантиргин.

Ушбу дуо ўқилганидан кейин янги йил расман бошланади. Оила аъзолари бир-бирларини қучоқлаб, ўпадилар ва бир-бирларига совгалар берадилар. Ўша куни ота ва она, бобо ва буви, амма ва амаки, хола ва тоға, ака ва ука, опа ва сингил каби қавм-қариндошлар ва бошқа яқинларни кўргани борадилар. Кейинги кунларда бошқа, узоқроқ қариндошларни бориб кўриш навбати келади. Ундан кейин ҳам вақт бўладиган бўлса, бошқа яқинлар ва дўстлар ҳолидан ҳам хабар оладилар. Одамлар бу кунларни урушган ва аразлашган кишилар билан ярашиш ҳамда бошқалар билан дўстлашиб фурсати деб биладилар.

Одамлар кўпинча Наврўзнинг биринчи куни кўкат палов, балиқ ва куку сабзий каби таомлар тайёрлаб, оила аъзолари ва улуғлари билан биргаликда тановул қиласидилар.

Наврўз байрами кунлари мактаблар таътил бўлгани сабабли сайру саёҳатларга чиқиш учун қулай фурсат туғилади. Кўплаб одамлар мамлакатнинг сайёҳлик марказлари, зиёратгоҳлари ва об-ҳавоси яхши жойларига саёҳат қиласидилар.

Эроннинг айрим минтақаларида бу кунлари Наврўзга оид шеърлар ўқиши анъана тусини олган. Форсий адабиёт улуғлари ҳам Наврўзга бағишилаб шеърлар ёзган бўлиб, улардан кўпчилигининг девонларидан Наврўз ва баҳор, кун ва туннинг айланиши, оиласининг аҳамияти, бошқалар билан тинч-тотув яшаш, дўстлик, умр ва вақтнинг қадрига етишга бағишиланган шеърлар жой олган.

Ўтмишда айрим минтақаларда Мир Наврўзий деб аталадиган бир удум ҳам кенг тарқалган. Бунда ўтиб бораётган йилнинг охирги беш кунида шаҳар ёки маҳалла ҳокимлиги энг қуий ижтимоий табақалар вакилларидан бўлган бир кишига берилган. У оддий халқ вакилларидан бир неча кишини ўз ходимлари сифатида тайинлаб, ҳокимликни амалга оширган. Шаҳар ёки маҳалла халқи ва ҳокимлари ушбу беш кун давомида унинг чиқарган фармонлари ва буйруқларини озми-кўпми бажаришган. Ушбу беш кунлик муддат тугаганидан кейин эса Мир Наврўзий жазолардан озод бўлиб, бирор киши унга «нега ўша беш кунлик муддат давомида ундей қилдинг, бундай қилдинг?», деб даъво қиласидилар.

Хофиз Шерозий қуийдаги байтда одамнинг умри қисқалиги, гул ҳамда Мир Наврўзий ҳокимлик даврининг қисқалигига ишора қиласидилар:

*Сухан дар парда мегўям, чу гул аз гунча берун ой,  
Ки беш аз панж рўзий нест ҳукми Мир Наврўзий.*

*Мазмуни:* Сўзни кўчма маънода айтаман: Гул каби куртакдан чиқиб келгин-у қувонгин. Чунки Мир Наврўзийнинг ҳокимлиги беш кундан ортиқ эмас.

Наврўз кунларида янги ва чиройли кийимлар кийиб, безаниб-тараниш, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, ариқлар, боғлар ва бошқа жойларнинг тоза-озодалиги, шеърхонликлар ўтказиш, мевалар ва ширинликлар тановул қилиш, вақтичоғлик қилиш, катталарнинг кичикларга байрамлик пуллари беришлари, кишиларнинг бир-бирларига яхши тилаклар билдиришлари жисмнинг покланиши ҳамда руҳнинг инсон бўлиш ва худонинг яратганлари орасида энг юқори ўринда бўлишга тайёрланиши ҷоғидир. Саъдий Шерозийнинг айтишича, Наврўз ва баҳор инсоннинг ошиқ бўлиш ҳамда ўзгариш ҷоғидир:

*Одаме нест, ки ошиқ нашавад вақти баҳор,  
Ҳар гиёҳе, ки ба наврўз најсумбад ҳатаб аст.*

*Мазмуни:* Баҳор ҷоғи ошиқ бўлмайдиган одам йўқдир. Наврўзда қимиirlамаган ҳар қандай ўт-ўлан ўтиндир.

Марказий Осиё ва Кавказ халқлари ҳам Наврўзни улуғлаб, байрам сифатида нишонлайдилар. Наврўз байрами билан боғлиқ унугилиб кетган удумлардан айримлари ушбу минтақалар мамлакатларида қайтадан тикланмоқда.

Амир Алишер Навоий Наврўз билан боғлиқ равишда баҳор, кун ва тун алмашинуви ва инсоннинг ўзгаришига бағишлиланган гўзал ва муносиб шеърлар ёзган. Жумладан, Навоий шеърларининг бирида шундай сатрларни учратамиз:

*Кўюнгга ҳар кун бориб ҳар дам кўрай дермен сени,  
Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза Наврўзе керак.*

Бугунги кунда Наврўз Эрон ва Афғонистонда янги йилнинг бошланиши ҳисобланади. Ушбу икки мамлакат халқи Ўзбекистон, Тожикистон, Қизғистон, Қозогистон, Туркманистон, Туркия, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Ҳиндистон ва Покистон каби мамлакатлар халқлари билан

биргалиқда байрам сифатида нишонлаб, бу күнни вақтиоғлик билан үтказадилар.

Наврӯз Темурийлар ва Бобурийлар даврида, айниңа Ҳиндистонда Акбаршоҳ, Жаҳонгир ва Шоҳжаҳонларнинг ҳукмронлик даврларида кенг нишонланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2010 йил 23 февраль куни бўлиб үтган 64-сессиясида «Тинчлик маданияти» кун тартибининг 49 банди доирасида «Халқаро Наврӯз куни» деб номланган резолюция қабул қилиниб, унга кўра 21 март куни Халқаро Наврӯз куни деб эълон қилинди. Бундан ташқари Наврӯз ЮНЕСКО томонидан номоддий маданий мерос рўйхатига киритилган.

Машҳур шоир Шайх Фаридиддин Аттор Нишопурӣ Наврӯз тўғрисида шундай куйлаган:

*Жаҳон аз боди наврӯзий жавон шуд,  
Зихи зебо, ки ин соат жаҳон шуд.*

*Мазмuni:* Олам Наврӯз шамолидан ёшарди, бу чоқ олам қанчалик ҳам гўзал бўлди.

Наврӯз байрами олам аҳлининг қувонч, умид, муҳаббат, дўстлик, меҳрибонлик, соғлик, фаровонлик, донишмандлик, тинчлик, яқдиллик ва осойишталиқ билан бирга кечувчи ҳаётининг гўзал бир рамзиdir.

Ушбу муносиб байрам ва ушбу ажойиб кун билан бутун дунё халқлари, хусусан Эрон ва Ўзбекистон халқлари ҳамда Наврӯзнинг барча ихлосмандларини чин дилдан қутлаб, буюк Фирдавсийнинг қуидаги шерий сатрларини эслаймиз:

*Ҳама сола баҳти ту пирӯз бод,  
Ҳама рӯзгори ту Наврӯз бод.*

*Мазмuni:* Барча йиллар баҳт ва омад сенга қулиб боқсин, сенинг ҳар кунинг ва ҳар чоғинг Наврӯз бўлсин.

**Ҳамид НАЙИРОБОДИЙ**  
**Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги**  
**Фавқулодда ва Мухтор элчиси**

Милодий 2021 йилнинг апрел ойига тўғри келувчи ҳижрий-шамсий 1400 йилнинг фарвардин ойи.